O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**БУГУНГИ СОНДА:**

**Мурожаатларга эътиборсизлик**

Аммо инсоф ва диёнатни ўйламай, ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, кўп йиллик тўпланган бой анъана ва удумларни, тажрибаларни унутган, унга беписанд қараётган айрим маҳалла котибларининг ҳали ҳамон учраб тургани одамни таажжублантиради. 2

**«Сиёсий партиялар мамлакатни модернизациялаш жараёнида»**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан тайёрланган «Сиёсий партиялар мамлакатни модернизациялаш жараёнида» номли китоб нашрдан чиқди.**

Амалий қўлланма шаклидаги ушбу китоб ўзбек ва рус тилларида тайёрланган бўлиб, тузилиши жиҳатидан 5 бўлимдан (рус тилидаги матн 6 бўлимдан) иборат. 3



**ТАШАББУСКОРЛИК ВА ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШ**

Айни пайтда у Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Мирobod туман Кенгаши раиси вазифасида ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда. «Адолат» СДП нуфузини ошириш, обрўсини кучайтириш, партия сафларини мустаҳкамлашда куч-ғайратини аямаяпти. Партия аъзолари, фаоллари билан биргаликда бу сиёсий куч устави ва низомида белгиланган вазифаларни бекаму-кўст бажариш учун ибратли ишларни амалга оширмоқда. 4



**Inson manfaatlari — oliy qadriyat**

# ADOLAT

O`zbekiston «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**Ижтимоий-сиёсий газета**

**1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган**

**№ 45 (749) 2009 йил, 30 октябрь, жума**

## Саудия Арабистонида Ўзбекистон Президенти китобининг тақдимоти

**Яқинда Саудия Арабистонининг Ар-Риёд ва Жидда шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобининг араб тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди.**

Китобнинг тақдимоти Ар-Риёднинг подшоҳ Файсал номидаги Ислом тадқиқотлари марказида бўлиб ўтди. Унда Саудиянинг ижтимоий-сиёсий, академик ва ишбилармон доиралари, етакчи таҳлилий марказлар, Саудия Арабистони Подшоҳлигида аккредитациядан ўтган дипломатик корпуслар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

*Подшоҳ Файсал номидаги Ислом тадқиқотлари маркази бош котиби Яхё бин Жунайд* иштирокчиларни қутлар экан, Ўзбекистоннинг миллий маънавий меросини асраш ва бойитиш борасидаги сиёсатини юқори баҳолади ва "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида кўтарилган масалалар саудияликлар учун яқин, тушунарли ва фойдали эканини таъкидлади.

Китобда сўз юритилган масалалар тадбир иштирокчиларининг барчасини ҳаяжонга солди. Хусусан, *Ислом тадқиқотлари марказининг ислом ва маънавият масалалари бўйича илмий ходими, профессор Туркий бин ал Сахув ал Утайбий* Ўзбекистон Президентининг китобини эътибор билан ўқиб чиққанини таъкидлайди. "Эзгулик ва олижанoблик қилишга даъватлар барча учун катта қизиқиш уйғотмоқда ва ҳар бир китобхон қалбида ўз аксини топмоқда", деди профессор.

*Ислом ва вақф ишлари бўйича вазир маслаҳатчиси, МДҲ давлатлари бўйича эксперт Мажид ал Туркийнинг* таъкидлашича, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўзбек халқининг маънавий ва ахлоқий қадриятлари тикланиши Президент Ислом Каримовнинг бебаҳо хизматларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда у Президентнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида ёритилган мавзулар ёшларнинг маънавий онгини янада такомиллаштиришда, уларнинг ўзини англашларида жуда долзарб аҳамият касб этишини қайд этди. Шунингдек, Саудия Арабистонида ушбу китобнинг тақдимоти ўтказилиши маданий-маънавий йўналишдаги икки томонлама муносабатларнинг ривожида муҳим воқеа ҳисобланади, дея қўшимча қилди М.Ал-Туркий.

(Давоми 3-бетда.)









**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров бошқарган мазкур йиғилишда фракция аъзолари, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.**

**Фракция йиғилишида дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги масала юзасидан молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаевнинг маърузаси тингланди.**



## Аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя

халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, деб таъкидланди «Адолат» СДП фракцияси йиғилишида

Таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган мазкур лойиҳада 2010 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоизга, саноат маҳсулоти 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,3 фоиз, инвестициялар миқдорининг 22 фоиз ва экспорт ҳажмининг 6 фоизга ўсиши белгиланмоқда. Шунингдек, 2010 йил учун мўлжалланган бюджет ва солиқ сиёсатида иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизация қилишни самарали рағбатлантириш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини изчил пасайтириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш асосида макроиқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг асосий мақсади ижтимоий ҳимояга қаратилган. Шу сабабли йиғилишда 2010 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бандларига асосий урғу берилди.

(Давоми 2-бетда.)

**ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР**

*Истиқлол йиллари мамлакатимизда миллий урф-одат ва анъаналаримиз қатори диний қадриятларимиз ҳам қайта тикланди. Юртимиз мусулмонлари ислом динининг барча арконлари, жумладан, ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш имконига эга бўлдилар.*

*Ўзбекистон Мусулмонлари идорасидан маълум қилишларича, жорий йилда ҳам беш минг нафардан кўпроқ ҳамюртимизнинг муборак сафарга йўл олиши режалаштирилмоқда.*

*Ўтган йиллардагидан фарқли равишда, бу йил зиёратчилар Бухоро, Урганч, Термиз, Наманган шаҳарлари аэропортларидан ҳам Саудия Арабистонига жўнаб кетиш имкониятига эга бўлишади ва ушбу ҳудудлардан ҳаж сафарига жўнаш учун ҳозирлик кўраётган юртдошларимизга яратилган бундай қулайлик, уларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишига шубҳа йўқ.*

*Зиёратчиларнинг дастлабки гуруҳи 10 ноябрь куни Тошкентдан Саудия Арабистонига йўл олади.*

Сурхондарё вилояти Узун туманида мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган кичик корхона фойдаланишга топширилди.

Замонавий технология билан жиҳозланган корхона бир кунда ўн тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда помидор қиёми ва узум шинниси тайёрланмоқда. Жорий йил охирига қадар корхона жамоаси икки юз миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрлаб, унинг асосий қисмини экспортга чиқаришни мўлжалламоқда.

Корхонада йигирмага яқин йигит-қиз иш билан таъминланди.

*"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси юзасидан Тошкент вилоятида ҳам қишлоқлар қиёфасини янада яхшилаш, аҳоли учун турар жой ва ижтимоий соҳа объектларининг намунали лойиҳалар асосида қурилишини архитектуравий режалаштириш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

*Қишлоқ жойларида бунёдкорлик ишларининг кўлами кенгайиб бораётгани сифатли ва арзон қурилиш материалларига талабни оширмоқда. Тошкент вилоятида ҳам қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш, истеъмол бозорини янги, рақобатбардош бинокорлик материаллари билан тўлдириш чоралари кўрилмоқда.*

*Янгийўл тумани А.Ортиқов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини "Дўстлик" маҳалласида, Чиноз туманининг "Туркистон" қишлоқ фуқаролар йиғини Т.Эрназаров номидаги маҳалласида ҳамда Бўка туманининг "Чиғатой" қишлоқ фуқаролар йиғини Жағалбойли маҳалласи ҳудудида намунавий лойиҳа асосида жами 60 та якка тартибдаги уй-жой қуриш ишлари бошлаб юборилди. 2010 йил давомида 600 дан ортиқ ана шундай турар жой бинолари қурилиши мўлжалланган.*

*Ҳозирда жойларда маркетинг ҳамда аҳоли талабини ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.*

**Парламентда**

## Халқаро шартномалар мониторинги

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари ташаббусига асосан Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари ижроси юзасидан парламент мониторинги» мавзуида кенгайтирилган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис қуйи палатаси депутатлари, сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва бошқа тегишли идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.**

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни бажариши юзасидан Қонунчилик палатасининг назорат-таҳлил фаолияти, парламент мониторинги, унинг хусусиятлари ва натижалари ҳамда бу жараёнда парламент иштирокининг аҳамияти ва унинг асослари хусусида атрофлича сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда.)

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!**

**ОБУНА — 2010**

**«ADOLAT» газетасига 2010 йил учун обуна бўлишга шошилинг!**



Шунда у йил бўйи ҳафтада бир мартадан Сизнинг хонадонингиз эшигидан кириб бориб — ҳам меҳмон бўлади, ҳам мезбонлик қилади.

Обуна «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг жойлардаги бўлимларида расмийлаштирилмоқда.

**«ADOLAT» доим ҳамроҳингиз бўлсин!**

**Нашр индексимиз — 100.**

**Фракция фаолияти**

## Сайлов жараёнида ёшларнинг иштироки

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ва партиянинг «Ёш адолатчилар» Кенгаши ташаббуси билан «Сайлов жараёнида ёшларнинг иштирокини таъминлаш — устувор вазифа» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия фракцияси аъзолари, «Ёш адолатчилар» фаоллари ва Ўзбекистон Миллий университети талабалари иштирок этди.**

**Давра суҳбатини партия Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров кириш сўзи билан очди. Партия етакчиси мамлакатимизда ҳар томонлама етук ёш авлодни камол топтириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида тўхталар экан, ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.**



Маълумки, юртимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Улар Ватанимиз эртаси, келажаги. Шундай экан, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ёшларни сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшиши зарур. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам ёшларнинг барча жабҳалардаги ислоҳотларда кенг ва фаол иштирокини таъминлаш, уларда жамиятда кечаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан ёндашиш туйғусини шакллантириш мақсадида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

«Адолат» СДП томонидан сўнгги йилларда бу борада олиб борилган ишлар ҳамда яқин келажакдаги режалар хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракцияси аъзоси Худоёр Маматов ўзининг «Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолиятида ёшлар иштироки» мавзусидаги маърузасида батафсил тўхталди.

(Давоми 2-бетда.)

**Ҳисобот-сайлов конференцияси**

## Муҳим сиёсий жараён арафасида

партия Кенгашлари ва уларнинг бошланғич ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари учун хотиржамлик, андишабозликлар эмас, айнан жойлардаги муаммоларни бартараф этишга қодир амалий ҳаракатлар зарур

**Дарё қирғоғида жойлашган Олчинтепа қишлоғидан «Адолат» СДПнинг Оқдарё туман Кенгашигача бўлган масофа бир неча ўн чақиримни ташкил этади. Аммо зукко партиядошимиз, маҳаллий Кенгаш депутати Норбуви Нурматова бу масофани ғоя истаганлар учун бир қадам қилди-қўйди. Қандай қилиб, дейсизми? Бу ҳақда кейинроқ. Дастлаб Самарқанд вилояти партия Кенгашининг V ҳисобот-сайлов конференцияси ва унда кўтарилган долзарб масалалар хусусида.**

...Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, партиянинг Самарқанд вилоят Кенгаши ўз аъзоларининг сонига кўра республикада энг йирик ҳудудий ташкилот ҳисобланади. Бугун унинг таркибида 22 минг 731 нафар партия аъзоси 585 та бошланғич ташкилотга бирлашиб фаолият юритмоқда. Вилоят Кенгашининг интеллектуал салоҳияти ҳам юқори. Фан доктори ва номзодлари, давлат бошқарувининг турли идораларида иш юритаётган раҳбар кадрлар, шифокор, ўқитувчи, ҳуқуқшунослар, ва бошқа соҳалар ходимлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига партиядан сайланган депутатлар 2 нафарни, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар сони 65 нафарни ташкил этади.

Кўриб турибсизки, миқдор ва сифат кўрсаткичлари бу борада ҳар қандай рақобатчи партия билан баҳслашишга етарли. Лекин рақамлар моҳияти ҳақида гап кетганда-чи? Вилоят партия Кенгаши ҳамда унинг туман ва шаҳар Кенгашларида, бошланғич ташкилотларида дастурий ғоялар учун курашчанлик, жамиятни ислоҳ этишда, фуқароларда янгича кўникмаларни пайдо қилишда ташаббускорлик, ғайрат-матонат яққол сезилаяптими?

(Давоми 2-бетда.)

# Саудия Арабистонида Ўзбекистон Президенти китобининг тақдимоти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

*Подшоҳ Фаҳд номидаги илмий-тадқиқот маркази эксперти, Ар-Риёд газетасининг ижтимоий масалалар бўйича шарҳловичиси доктор Амин Сидо* умуминсоний маънавият, сабр-тоқат, қадр-қиммат, инсониятнинг ахлоқий-маданий қадриятлари каби тушунчаларга илмий нуқтаи назардан баҳо берилган Президент Ислом Каримов асарининг туб моҳиятига эътибор қаратди. Шунингдек эксперт мустақилликнинг қисқа даври мобайнида Ўзбекистон миллий-маданий қадриятлар ва бой тарихий меросни тиклаш борасида улкан муваффақиятларга эришгани ҳақида ҳам ўз фикрини билдирди. "Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахти дея эътироф этилиши, ушбу улуғвор ишларнинг ёрқин намунасидир", деди у.

— Саудия Арабистонида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби тақдимоти подшоҳлигимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади, — *деди Саудия Арабистони Подшоҳлиги сиёсий ва молиявий масалалар бўйича эксперти Абдулқодир ал Ҳабибулла.* — Бу давлатларимиз ўртасида турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг янада ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга имкон яратади.

Араб тилида нашр этилган "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобининг тақдимоти Жидда шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Унда академик ва ижтимоий-маданий доиралар, Жидда, Макка, Мадина ва Тоиф шаҳарларида истиқомат қилувчи ўзбек диаспорасининг таниқли вакиллари қатнашди. Мамлакатимиз раҳбари китобининг асосий моҳияти ҳақидаги маърузалардан сўнг иштирокчилар асар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Улар бир овоздан Ўзбекистон Президентининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли китоби ўз вақтида ёзилган, долзарб ва пухта асар эканини эътироф этишди.

Хусусан, *Саудия Арабистонидаги ўзбек диаспораси етакчиси Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний* Ўзбекистон Президентининг маънавий қадриятларни қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаб, жумладан шундай деди: "Мазкур китоб ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида ҳамда ўз мамлакатининг ҳақиқий фидойилари этиб тарбиялаш жараёнида турли мафкуравий ҳужумларга қарши кескин зарба бера оладиган муҳим амалий қўлланмага айланади".

*"Аш-Шарқ ал-Авсат" газетаси мухбири Абдулмажид Абдулрауфнинг* таъкидлашича, китобда кўтарилган маънавият ва маданият масалалари нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом олами учун ўта долзарбдир. Ўзбекистон Президенти асарининг араб тилида нашр этилиши, аҳолиси бир неча юз миллиондан ошадиган араб мамлакатлари ўқувчиларига, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларга тегишли турли йўналишларда эришган муваффақиятлари, ўзбек халқининг маънавий ва маданий қадриятларга нисбатан ҳурмат-эътибори билан бевосита танишиш имконини беради.

Тадбир иштирокчилари томонидан яна шу нарса таъкидландики, "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби нафақат Ўзбекистондаги ўсиб келаётган авлодни, балки Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ўзбек диаспораси ёшларини ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**

### Янги нашр

# «Сиёсий партиялар мамлакатни модернизациялаш жараёнида»

## номли қўлланма сиёсий партиялар фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда соҳага оид ҳуқуқни қўллаш амалиётида муҳим аҳамият касб этади

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан тайёрланган «Сиёсий партиялар мамлакатни модернизациялаш жараёнида» номли китоб нашрдан чиқди.**



Амалий қўлланма шаклидаги ушбу китоб ўзбек ва рус тилларида тайёрланган бўлиб, тузилиши жиҳатидан 5 бўлимдан (рус тилидаги матн 6 бўлимдан) иборат. Китобнинг биринчи бўлими «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларида сиёсий партиялар фаолиятига оид ғоялар» деб номланган. Унда Юртбошимизнинг сиёсий партиялар фаолиятига доир эътиборга молик фикр-мулоҳазалари, ғоя ва қарашлари ўрин олган.

Китобнинг иккинчи бўлимида мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг шаклланиши ва уларнинг ривожланиш босқичлари тўғрисида сўз юритилади. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг шаклланиши» деб номланган мазкур бўлимда партияларнинг номлари, ташкил топган ҳамда Уставларининг қабул қилинган саналари, партиялар аъзолари сони, фаолиятининг асосий мақсадлари ва бошқа маълумотлар ўз аксини топган.

«Мамлакатни модернизациялаш жараёнида сиёсий партиялар фаолиятининг асосий йўналишлари» номли учинчи бўлимда сиёсий партиялар раҳбарларининг таҳлилий мақолалари берилган. Бу мақолаларда ҳар бир сиёсий партия томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Шунингдек, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун талабларини бажаришга доир партиялар олдидаги вазифалар ва сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бир қатор масалалар ўз аксини топган.

Амалий қўлланманинг тўртинчи бўлими «Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари тизими» деб юритилади. Бу бўлимда сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солиш ҳамда партияларнинг сайловларда иштирокига оид қонун ҳужжатлари ва улардан олинган кўчирмалар билан танишиш мумкин. Бешинчи бўлимда эса сиёсий партиялар фаолиятига тааллуқли атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати берилган.

Таъкидланганидек, китобда материалларнинг рус тилидаги матни ҳам берилган. Унда юқорида айтиб ўтилган бўлимлардан ташқари, сиёсий партиялар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларининг қиёсий таҳлили, хорижий давлатларда сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаларига оид маълумотлар мавжуд.

Китоб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар аъзолари, сиёсатшунослар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган. Зеро, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўладиган сайловлар арафасида нашр этилган мазкур қўлланма мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар билан яқиндан танишиш ҳамда соҳага оид ҳуқуқни қўллаш амалиётида муҳим аҳамият касб этади.

**Ойбек АБДУЛЛАЕВ.**

### Ҳуқуқ ва бурч

***Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори соҳада ижро самарадорлигини янада оширишга қулай имконият яратди. Ушбу қарорга мувофиқ ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таркибий тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этишга эришилди. Тизимли таҳлил ва назоратни амалга ошириш мақсадида Суд департаменти таркибида ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси ташкил этилди.***

# Ижро интизоми кучаймоқда

Шунингдек, қарорга асосан 2007 йил 1 декабрдан бошлаб суд ижрочилари томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси бўйича ҳаракатларнинг бажарилиши учун ижро йиғими жорий этилди. Ижро йиғими қарздордан ихтиёрий ижро этиш муддати тугаганидан кейин мулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 фоизи миқдорида, юридик шахсдан 2 фоизи миқдорида ундирилиши белгиланди. Номулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида, юридик шахсдан эса 10 баробари миқдорида йиғим ундириладиган бўлди.

Даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича, шунингдек, алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича ижро йиғимининг ундирилмаслиги эса инсонпарварлик тамойилининг ёрқин ифодасига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилнинг 15 январидан бошлаб кучга кирган «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим босқичи бўлди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ижро самарадорлигининг янада ошишига, мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг мукаммал механизимини яратилишига мустаҳкам замин яратди. Қолаверса, суд департаменти органлари тизимида фаолият юритувчи ходимларга бир қатор ваколат берди, уларга муайян мажбуриятларни юклади.

Жумладан, ушбу қонуннинг кучга кириши муносабати билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунга ва бошқа Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ҳамда кодексларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мутахассисларимиз қарор асосида ўз ишларини ташкил этиб, ижро интизомини мустаҳкамлашга эришмоқда. Ўтган ойлар давомида бошқармамизга келиб тушган 174,5 миллиард сўмлик ижро ҳужжатларининг ижроси таъминланди. Қолганларга нисбатан эса назорат кучайтирилди. Бу шубҳасиз, қарор берган янги имкониятларнинг самарасидир.

**Умид АМИНОВ,**
**Суд департаментининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.**


TURON BANK

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ТУРОН БАНК

СИЗГА ҲИСОБ РАҚАМНИ МАСОФАДАН БОШҚАРИШНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ УСУЛИ **«SMS BANKING»** ВА **«INTERNET BANKING»** ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.




Ушбу хизмат турлари Сизнинг вақтингизни тежаб, ҳисоб рақамингиздаги барча ҳаракатлар ҳақида «онлайн» тарзда хабардор бўлишингизга имконият яратади.

ТУРОН БАНК

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ «СЎМ» ПЛАСТИК КАРТАЛАРИНИ ҲАМДА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ «VISA» ПЛАСТИК КАРТАЛАРИНИНГ 4 ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:







1. Visa Electron
2. Visa Classic
3. Visa Business
4. Visa Gold







«VISA» ПЛАСТИК КАРТАЛАРИ — БУ ХАЛҚАРО УНИВЕРСАЛ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

Маълумот учун телефонлар: (+99897) 700 55 55 ва 723 55 55

www.turonbank.uz

*Хизматлар лицензияланган.*





### ҚЎПОРУВЧИЛАР ҚУРШОВДА




БМТнинг Қобулдаги ваколатхонаси биносини бир неча нафар қўпорувчилар қамал қилиб олди. Полиция вакилининг айтишича, БМТ вакиллари учун мўлжалланган меҳмонхонада беш-олти нафар террорчилар бўлиб, ичкаридан туриб ҳужум қилишмоқда. Оқибатда 13 киши, жумладан, ташкилотнинг олти ходими ҳалок бўлган.

РИА Новости агентлиги хабарига кўра, Афғонистон пойтахтининг Ширпур туманида жойлашган бу бинога бир неча нафар қуролланган кимсалар бостириб кирган. Идорани полициячилар ва Афғонистонда хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи Халқаро қуролли кучлар маҳкамаси ходимлари қуршаб олишган.

### БОШ ВАЗИР ИСТЕЪФО БЕРАДИ

Мўғулистон Бош вазири Санжийн Баяр соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли истеъфога чиқишни режалаштираётганини маълум қилди.



Ўтган ҳафта Гепатит С оқибатида жиғари хасталанганлиги туфайли Улан-Батордаги шифохоналардан бирига жойлаштирилганди. Баяр Бош вазир вазифасида 2007 йил Мўғулистон парламенти томонидан тайинланган эди.

### САЙЛОВ ЯКУНИГА ЕТДИ



Тунис давлат раҳбари бешинчи бор президент этиб сайланди. Зин аль-Абидин ибн Али 89 фоиздан ортиқ овоз олишга эришди. Унинг икки рақиби — Муҳаммад Бучиха ва Аҳмад Инубли 5 фоиз олишга ҳам эга бўлишолмади. Аввалги ғалабага давлат раҳбари 2004 йил 94.4 фоиз овоз тўплаб эришган эди.

73 ёшли президент Тунисни 2014 йилга қадар ривожланган мамлакатлар сафига киритишни ваъда қилди.

### АЙҒОҚЧИЛАР ТЕРГОВ ҚИЛИНМОҚДА




Венесуэла ҳукумати сиёсий тузумни беқарорсизлантиришда гумонланаётган колумбиялик айғоқчилар қўлга олинганлигини маълум қилди. Боготанинг неча нафар айғоқчиси ҳибсга олинганлиги ҳозирча сир тутилмоқда, бироқ тез кунларда уларнинг кирдикорларини фош этувчи аниқ далилларни кенг жамоатчиликка тақдим этишмоқчи.

Колумбиянинг DAS хавфсизлик агентлиги ўз ходимини Венесуэлага мамлакат ҳукумати фаолиятига қарши иш юритиш ёки айғоқчилик қилиш мақсадида жўнатганлиги ҳақидаги миш-мишни тан олмади.

Айрим ОАВ ходимлари Лотин Америкасидаги икки мамлакатнинг муносабатини бироз совуқлаштиришга бошқа воқеа сабаб бўлган, деб ҳисоблашмоқда. Гап шундаки, яқинда Колумбиядаги ҳаваскор футбол жамоасининг 10 нафар ўйинчилари жасади Венесуэладан топилган эди. Боготаликлар каракасликлардан қотилликни фош қилишда бор кучини аямасликларини сўраганди. Кейин хабар берилишича, ҳалок бўлганларнинг жасадини олиб кетиш учун мўлжалланган Колумбия самолётини Венесуэла қабул қилишдан бош тортган.

Интернет хабарлари асосида
Саодат СОДИҚОВА тайёрлади.

### Солиқ — иқтисодиёт таянчи

# Барқарор фаолият манбаи

Дунёдаги кўплаб мамлакатларда иқтисодий инқироз туфайли ишлаб чиқариш қуввати пасайиб, корхона ва ташкилотлар аҳволи тобора оғирлашиб бормоқда. Бизда эса аксинча: ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга кенг татбиқ этилган инқирозга қарши чоралар Дастури ишлаб чиқариш жараёнида ўсиш суръатларини таъминлашга шароит яратмоқда. Ҳамма соҳада ишлар бир маромда давом этаяпти. Ҳаттоки, яратилаётган янги иш ўринлари кўплаб юртдошларимизни иш билан таъминланишига йўл очмоқда. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан ўнлаб маҳсулотларимиз хорижга экспорт қилинаяпти. Бунга, албатта, ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Мамлакат миқёсида Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ва ташкилотларга бир қанча имтиёзлар бериш туфайли эришилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармони бу борада амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлди.

Мазкур фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширилишини бекаму-кўст таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 июлида «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Айни пайтда бу қарорга мувофиқ туманимиз давлат солиқ инспекцияси томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар мутасаддилари иштирокида ўтказилган семинарлар, тадбир ва учрашувларда қарорнинг мазмун-моҳиятини уларга тушунтираяпмиз. Қарорга мувофиқ корхоналар томонидан қўшимча даромадлар ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, маҳсулотлар таннархини янада пасайтиришга ва ишчи-ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга йўналтирилаётганлигидан хабардор бўлаётган тадбир иштирокчилари солиқ соҳасидаги қулайлик ва имтиёзлардан мамнун бўлишмоқда. Зеро, бу корхоналарнинг барқарор фаолият юритишига замин яратиш билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам улкан ҳисса қўшаяпти.

**Шерзод СУЯРОВ,**
**Учтепа тумани ДСИ шўъба бошлиғи.**

Эл соғлиги — юрт бойлиги

# ТАШАББУСКОРЛИК ВА ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШ

тиббиётдаги ислоҳотларнинг асосий мезони, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий Кенгашига қарашли «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилакторийси бош шифокори Тошпўлат МАТИБОЕВ

**Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, замонавий ускуналарга эга шифо масканлари сони кун сайин ортиб бораётир. Бу эса аҳоли ўртасида турли хил касалликларнинг олдини олишга имконият яратмоқда. Қувонарлиси, энг сўнгги русумдаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бундай шифо масканларида ҳар томонлама билимли, тажрибали, қўли енгил шифокорларнинг хизмат қилаётганидан аҳоли мамнун бўлмоқда. Бир пайтлардагидек мураккаб жарроҳлик амалиётлари чет давлатларда эмас, балки ўзимиздаги шифохоналарда амалга оширияпти. Дардига шифо топган хаста кўнгиллар жонажон юртимизда бундай имкониятларга йўл очган Истиқлолга шукроналар айтмоқда, Юртбошимизнинг соҳани ривожлантиришга бўлган чексиз эътиборидан тўлқинланаяпти. Зеро, тиббиётдаги ислоҳотлар тизимнинг ҳар бир жабҳасида ўзининг самарасини кўрсатиб турибди. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий Кенгашига қарашли «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилакторийси ана шундай замонавий тиббиёт масканларидан биридир.**



Касални даволагандан кўра, уни олдини олган маъқул. Бу шиорга амал қилган шифокорлар даволанаётган темирйўлчилар ва транспорт қурувчиларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Физиотерапия, уқалаш, игна билан даволаш, сауна, парафин, сув муолажалари орқали уларга соғлиқ, куч-қувват бахш этишмоқда. Қўли енгил шифокорлар ва тили болдай ширин ҳамшираларнинг беминнат хизмати, яхши муомаласи мижозларни мамнун этмоқда.

— Тиббий хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бораётгани туфайли бу ерга келувчиларнинг сони ортмоқда, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Сурхондарё вилоятидаги 166-йўл-машина станцияси машинисти Ҳамза Маҳкамов. — Ўзим ҳам деярли ҳар йили шу ерга келиб, даволаниб кетаман. Бу эса, шубҳасиз, амалга ошираётган ишларимизни янада самарали бўлишига туртки бўлмоқда. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деб шунга айтадилар-да...

Кун сайин ривожланиб бораётган бугунги замонда ҳар бир ташкилот ва муассасанинг равнақи қай тарзда тараққий этиши бевосита раҳбарга ҳам боғлиқ. Негаки, раҳбар ишбилармон, ўз навбатида, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга сергак ҳамда узоқни кўра биладиган бўлса, ташкилот гуллаб-яшнайди, ишчи-ходимлар шароити яхшиланади. Жамоанинг эл-юрт, халқ орасидаги нуфузи ортиб бораверади. Санатория бош шифокори Тошпўлат Матибоев ҳам ана шундай ишчан ва ташаббускор, замонавий раҳбарларнинг бири. У тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг жадаллашувига, қолаверса, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида кўрсатган хизматлари учун яқинда «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» бўлди. Бу, албатта, Тошпўлат ака раҳбарлигида жамоанинг ҳамжиҳатликда эл саломатлигини сақлаш йўлида қилган изланиш ва меҳнатларининг мевасидир.

Дарвоқе, янгиланиш ва ўзгаришларга ўч, ташаббускор шифокор мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмас. Айни пайтда у Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Миробод туман Кенгаши раиси вазифасида ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда. «Адолат» СДПнинг нуфузини ошириш, обрўсини кучайтириш, партия сафларини мустаҳкамлашдан куч-ғайратини аямаяпти. Партия аъзолари, фаоллари билан биргаликда бу сиёсий куч устави ва низомида белгиланган вазифаларни бекаму-кўст бажариш учун ибратли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, партия ташкилотидан ёрдам сўраб келган фуқароларни қўллаб, уларнинг мурожаат ва аризаларини ижобий ҳал этаяпти. Шунинг учун ҳам Тошпўлат ака ҳақида гап кетганида, кўпчилик уни «Адолатли шифокор», деб атайди.

— Ташаббускорлик ва янгиликка интилиш тиббиётдаги ислоҳотларнинг асосий мезони, — дейди санаторий-профилакторий бош шифокори, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси Тошпўлат Матибоев. — Негаки, бугунги ривожланган жамиятда бутун дунёда тиббиёт соҳасида яхши ютуқларга эришилмоқда. Яратилган янги техникалар тиббиёт ривожига ҳисса қўшмоқда. Улардан бохабарлик, қолаверса, шифокорлар малакасини мунтазам ошириб бориш ютуқларимизни бойитаяпти. «Сиҳатгоҳ»имиз 50 ўринли. Бир йилда компания тизимидаги 700 нафардан зиёд темирйўлчилар, тармоқ хизматчиларининг дардларига малҳам бағишлаб, уларни хизматимиздан баҳраманд этамиз. Бундан ташқари, санаторий-профилакторийда дам олувчилар учун махсус хоналар, турли адабиётлар жамланмасига эга маънавият ва маърифат хонаси фаолият кўрсатмоқда. Ишқибозлар шашка, шахмат, домино каби спорт ўйинлари билан шуғулланишяпти.

Яна бир янгилик: ўзининг шифобахш хусусиятларига эга олис Сурхондарёнинг Бойсун туманидаги «Омонхона» шифохонаси мазкур санаторий-профилакторий тасарруфига ўтказилди. Аҳоли саломатлигини сақлашда яна бир омил юзага келди. Айни пайтда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК маблағи ҳисобига «Омонхона»да катта ҳажмда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Янги лойиҳага асосан ўзида барча қулайликлар ва шароитларни мужассамлаштирган «Омонхона» бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етгач, тамоман янги қиёфа касб этади. Ҳаттоки туман марказидан унга элтувчи йўллар ҳам кенгайтирилиб, таъмирдан чиқарилади. Бу ерда 100 ўринли даволаш маскани қурилиши режалаштирилган. Бугунгача даргоҳда чойхона, ёзги айвон қурилиб, ишга туширилди.

— Режалаштирилган ишлар ниҳоясига етказилгач, бу ердаги иш кўлами янада кенгаяди. Қишлоқ аҳли учун янги иш ўринлари яратилади, — дейди Тошпўлат Матибоев. — Илгари шифохонада 44 нафар тиббиёт ходими ишлаган бўлса, келгусида бу ерда 100 дан ортиқ тиббиёт ходими фаолият кўрсата бошлайди. Бу эса давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга улкан ҳисса бўлиб қўшилади. Қолаверса, «Омонхона» булоқ сувининг инсон танасидаги сурункали гепатит, сурункали холецестит, ошқозон-ичак тизимидаги барча касалликларга шифо бўлиши амалиётда аллақачон ўз исботини топган. Янги қулайликлар нафақат юртимиз аҳолиси, балки чет давлатлардан ҳам шифо истаб келувчиларнинг сони ортишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида «Омонхона»нинг янгитдан қурилаётгани қишлоқ кўркига кўрк, чиройига чирой қўшади.

**Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

## ХАБАРЛАР

### Халқаро эътироф

*ЮНЕСКО Бош конференциясининг Парижда бўлиб ўтган 35-сессиясида Ўзбекистон Республикаси кўпчилик овоз билан 2009-2013 йилларга ушбу халқаро ташкилот Ижроия кенгашининг аъзоси этиб сайланди.*

31 аъзо мамлакатнинг номзоди қўйилган сайлов жараёни якунида Ўзбекистон билан бирга Словакия, Руминия, Польша, Латвия ва Беларусь мазкур нуфузли кенгаш сафидан жой олди. Улар Ижроия кенгашдаги 27 давлат ёнига қўшилади.

ЮНЕСКО Ижроия кенгаши ташкилотнинг асосий ижро органларидан бири бўлиб, Бош конференцияда қабул қилинадиган дастурларнинг ижросига оид масалаларни кўриб чиқади. Ўзбекистоннинг унга аъзо этиб сайланиши мамлакатимизнинг илм-фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ютуқлари, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда илмий меросимиз, миллий-маданий қадриятларимизнинг яна бир жаҳоншумул эътирофидир. Айни пайтда ушбу кенгашга аъзолик Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОда ва умуман дунёдаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

### Бош соврин юртдошларимизда

*Ломоносов номидаги Москва давлат университети (МДУ)нинг Халқаро таълим марказида МДҲ ва Балтика давлатларининг рус мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган рус тили бўйича VII Халқаро олимпиада ғолибларини қутлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон жамоасига олимпиаданинг бош соврини, шу билан бирга, ижодий ёндашув, билимдонлик ва барча номинациялардаги фаол иштироклари учун совғалар топширилди.*

Россия Федерациясининг Таълим бўйича федерал агентлиги ва Москва университети томонидан "Рус тили" Федерал мақсадли дастури доирасида ташкил этилган олимпиадада 11 та давлатдан келган 90 та мактаб ўқувчиси қатнашди. Танлов дастури ёзма ва иккита оғзаки босқичдан, шунингдек, қўшимча равишда ўтказилган "Ёш нотиқ" танловидан иборат бўлди. Шу билан бирга олимпиада иштирокчиларига мазмунга бой бўлган маданий дастур таклиф этилди.

### Асарларга ҳаёт бағишлаб

*Ўзбекистон Давлат санъат музейида нодир санъат асарларини қайта тиклаш ва таъмирлаш масалаларига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтмоқда. Унда юртимизнинг музейшунослари, санъатшунос олимлари, таъмирловчи-реставраторлар, рассомлар билан бирга франциялик соҳа ходимлари ҳам иштирок этмоқда.*

Юртимизда маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада равнақ топтириш, унинг қадимий анъаналарини тиклаш, асраб-авайлаш, тарғиб ва ташвиқ этиш, соҳага оид чуқур илмий тадиқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Икки ҳафта давом этадиган амалий семинарда санъат асарларини қайта тиклаш ва реставрация қилишга оид масалалар муҳокама этилиши баробарида номдор мусаввирларнинг асарлари моҳир мутахассислар иштирокида реставрация қилинади. Тадбир доирасида қайта тикланган тасвирий санъат асарларидан иборат кўргазма ташкил этилади.

## Жаҳон жавоҳирлари жавонидан

Шон-шавкат юксак мақсад сари интилганнинг мулкидир.

**ФИРДАВСИЙ.**

*Одамларни ўз олдиларига қўйган мақсадларига қараб баҳолаш керак.*

**Миклухо-МАКЛАЙ.**

Шундай одамлар борки, улар сувга тушган хасдек ҳеч бир мақсадсиз дунёдан ўтиб кетадилар: улар сузишмайди, оқим уларни олиб юради.

**СЕНЕКА.**

*Мақсади улуғланган сари одам ҳам улуғлашиб боради.*

**Иоганн ШИЛЛЕР.**

Улуғ ақл эгалари ўз олдиларига мақсад қўядилар. Қолган одамлар ўз истакларининг орқасидан эргашадилар.

**Уошингтон ИРВИНГ.**

*Майда ишларга зеб берган одам буюк ишларга ноқобил бўлади.*

**Франсуа де ЛАРОШФУКС.**

Номуносиб воситаларни оқловчи мақсад ҳеч қачон юксак бўлолмайди.

**Альберт ЭЙНШТЕЙН.**

*Сира шошилмайдиган одам ҳам мабода у ўз мақсадидан чалғиб кетмаган бўлса, мақсадсиз тентираб юрган одамга қараганда жадалроқ юради.*

**Готхольд ЛЕССИНГ.**

***Яқинда сунъий йўлдош орқали узатиладиган "Ал-Мажд" араб телеканалида Ўзбекистонга бағишланган 30 дақиқалик дастур эфирга берилди. Кўрсатув ушбу телеканал ижодкорлари томонидан мамлакатимизнинг Бирлашган Араб Амирликларидаги дипломатик ваколатхонаси кўмагида тайёрланган.***

## Бебаҳо меросга бағишланган кўрсатув

Кўрсатув мамлакат тарихи ва унинг минтақага оид географиясига қисқача сайр этиш билан бошланади. Унда қайд этилишича, ушбу йилда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги кенг нишонланмоқда. Мамлакат пойтахти ва Ўзбекистоннинг бошқа тарихий шаҳарлари дунёга ислом тамаддуни ривожига мислсиз ҳисса қўшган кўплаб олимлар, дин ва маданият арбоблари етказиб берган, бу заминда жойлашган тарихий обидалар эса мамлакатнинг хорижий меҳмонларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бугунги Ўзбекистонда тарихий ёдгорликларни қайта таъмирлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ҳозирда минглаб ноёб қўл ёзмалар, уларнинг энг бебаҳоси — Моварауннаҳрга Амир Темур томонидан олиб келтирилган ҳазрати Усмон Қуръони эҳтиёткорлик билан сақланаётган Ҳазрати Имом хотира мажмуи Тошкентнинг гўзал масканларидан бири саналанади, дея таъкидлашди кўрсатув муаллифлари. Улар Ўзбекистоннинг 1991 йилдан бошланган, иқтисодиётининг барқарор ўсиши билан олдинги ҳолатидан фарқ қилаётган янги тарихи ҳақида ҳам сўз юритишди.

Абу-Даби маданият ва мерос марказининг катта илмий ходими Аммар ал Санжарий кўрсатув муаллифлари билан суҳбатида жумладан қуйидаги мулоҳазаларни билдирди: "Ўзбекистон — бутун араб дунёси ҳам фахрланадиган буюк мутафаккирлар ва олимлар ватани. Мен Ўзбекистонда бир неча бор бўлганман, ўзбек ҳамкасбларим билан учрашганман ва мамлакатда цивилизация ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодлар меросини ўрганиш ва асрашга катта эътибор берилаётганига ишонч ҳосил қилдим".

Ўзбекистон ҳақидаги телекўрсатувни журналист Муҳаммад ал Раминнинг "ушбу маконда яшаб ижод қилган буюк арбобларнинг бебаҳо мерослари учун чексиз ҳурматимиз ва миннатдорлигимизни изҳор этамиз" деган сўзлари билан якунлади.

**«Жаҳон» АА.**

∇ SPORT, СПОРТ, SPORT

## Ёш футболчиларимиз Осиё чемпионатининг финал босқичи йўлланмасини қўлга киритдилар

Футбол бўйича ўсмирлар терма жамоамиз қарийб ўн кун давом этган Осиё чемпионати саралаш босқичи баҳсларини муваффақиятли якунлади. Гуруҳнинг дастлабки учта учрашувида кетма-кет йирик ғалабага эришган (Ўзбекистон – Покистон – 3:0, Ўзбекистон – Қувайт – 3:0, Афғонистон – Ўзбекистон 0:4) футболчиларимиз сўнгги ўйинда Саудия Арабистони терма жамоасига қарши майдонга тушди.

Таъкидлаш лозимки, гуруҳда фаворит деб эътироф этилган саудиялик футболчилар 4-турда Қувайт билан дуранг ўйнагач, Ўзбекистон терма жамоасини мағлуб этиши талаб этиларди, аммо...

Қизғин курашлар остида ўтган учрашувда ҳисоб очилмади – 0:0. Қувайт ўсмирлар терма жамоаси эса сўнгги турда афғонистонлик футболчилар дарвозасига жавобсиз 6 та тўп йўллашди. Бу ғалаба қувайтлик ёш футболчиларга гуруҳда иккинчи поғонани эгаллаш имкониятини яратиб, қитъа чемпионати йўлланмасини тақдим этди.

Эслатиб ўтамиз, ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг финал босқичи келгуси йилнинг 2-17 октябрь кунлари ўтказилади. Мазкур мусобақада ҳамюртларимиз ва қувайтликлар билан бирга Эрон, Тожикистон, Сурия, Ироқ, БАА, Иордания, Уммон, Япония, Индонезия, Хитой, Шарқий Тимор, КХДР, Вьетнам, Австралия ўсмирлар терма жамоалари ҳам иштирок этади.

## Осиё ўйинлари мусобақаси дастурига Ўзбек кураши ҳам киритилди

Бугун Вьетнамнинг иккита шаҳрида навбатдаги, учинчи Осиё ўйинлари бошланади. Ёпиқ спорт иншоотларида ўтадиган ушбу мусобақада мамлакатимиз спортчилари учинчи маротаба иштирок этишади.

Хабарингиз бўлса, дастлабки Осиё ўйинлари бундан тўрт йил муқаддам, яъни 2005 йили Таиландда бўлиб ўтган эди. Мусобақада кўнгилдагидек қатнашган спортчиларимиз 22 та медални (шундан 6 таси олтин медаль) умумжамоа ҳисобига қўшгандилар. 2007 йилги мусобақада эса, афсуски, ҳамюртларимизнинг иштироки кутилган натижаларни бермади: 6 та медаль (шундан 2 таси олтин медаль).



Дарвоқе, Осиё ўйинлари мусобақаси дастурига Ўзбек кураши ҳам киритилди. Мусобақа иштирокчилари миллий спорт туримиз — кураш бўйича 8 та вазн тоифаси бўйича эркаклар ва аёллар ўртасидаги беллашувларда ғолиблик учун гиламга чиқишади.

## Ўзбекистон терма жамоаси халқаро турнирда иккинчи ўринни эгаллади

Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган таэкван-донинг ИТФ йўналиши бўйича VI «Қора денгиз соҳили» халқаро турнирида қатнашган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Мусобақада ўн мамлакатдан 1200 нафар маҳоратли таэкван-дочилар ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Халқаро турнирда юртимиз шарафини Алевтина Ким, Дмитрий Шокин, Лаура Кушимбетова, Сардор Содиқов сингари 12 нафар спортчимиз муносиб ҳимоя қилиб, 20 та олтин, 7 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритишди. Натижада вакилларимиз умумжамоа ҳисобида мезбонлардан кейин иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Учинчи ўрин эса Украина терма жамоаси аъзоларига насиб қилди.

Мусобақа давомида Ўзбек жанг санъати бўйича I халқаро семинар ташкил этилиб, спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш қилинди. Семинар машғулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.



ADOLAT
Inson manfaatlari — oliy qadriyat
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-57-14
ISSN 2091-5217
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жовдатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ.

Нашр учун масъул
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир — Муродулла ҒАФУРОВ
Навбатчи — Эминжон ЮЛДОШЕВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 900. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 2642. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.15 1 2 3 5 6 7 8